



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 21 yil « 8 » январь

№ 8

Toshkent sh.

Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон қарори ижросини таъминлаш, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти (кейинги ўринларда – Институт) фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик, музейшунослик соҳаларида замон талабига жавоб берадиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини шакллантиришга қаратилган стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

кадрлар тайёрлашнинг мақсадли тизимини шакллантириш, муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётган атоқли ижодкор-рассомларнинг “ўқув-ижодий устахонаси” тизимини жорий этиш;

бадий таълим соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш тизимини илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, ўқув жараёнига таълимнинг инновацион усуллари ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш;

таълим сифатини ошириш, нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирокида онлайн курслар, маърузалар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш;

ўқув-тарбиявий ва илмий жараёни самарали бошқариш мақсадида кадрлар захирасини мақсадли тайёрлаш, Институтнинг илмий ва ижодий салоҳиятини ошириб бориш, босқичма-босқич ўзини ўзи бошқариш, молиялаштириш, фаолиятини тижоратлаштиришнинг асослари ва тамойилларини шакллантириш;

талабаларда маънавий-ахлоқий жиҳатларни шакллантириш, уларда ёт
ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва тафаккурни мустаҳкамлаш
бўйича кенг қўламли маърифий ва тарбиявий ишларни мунтазам олиб
бориш;

Институтнинг ўқув ҳамда илмий-лаборатория бино ва корпусларини
қуриш, мукаммал таъмирлаш, ўқув-илмий лабораториялар, ўқув
устахоналарини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш.

2. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн
институтининг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар
дастури (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Институтда
фаолият юритиб келаётган профессор-ўқитувчиларнинг ижодий фаолияти
натижалари қуйидагиларга тенглаштирилади:

**“Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби”, “Ўзбекистон
Республикаси халқ рассоми”, “Ўзбекистон Бадий академиясининг
хақиқий аъзоси”** фахрий унвонлари – профессор илмий унвонига;

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийи”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият
ходими”** фахрий унвонлари – доцент илмий унвонига.

4. Ўзбекистон Бадий академияси Институт билан биргаликда
2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

бадий таълим соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда
Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги ихтисослаштирилган санъат
мактаблари ҳамда мактаб-интернатларининг ўқув режаси ва дастурлари,
ўқув-методик таъминоти, таълим-тарбия жараёни Институтнинг таълим
жараёни билан узвий боғланишини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқилиши ва
жорий этилишини;

Ўзбекистон Бадий академияси тизимидаги ихтисослаштирилган
санъат мактаблари ва мактаб-интернатларнинг таълим жараёнига Институт
профессор-ўқитувчилари белгиланган тартибда ҳақ тўланган ҳолда жалб
этилишини таъминласин.

5. Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн
институтининг васийлик кенгаши (кейинги ўринларда – Васийлик кенгаши)
таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Васийлик кенгашининг асосий вазифалари этиб
белгилансин:

ташкилий, молиявий, ўқув-методик ва моддий-техник базани
мустаҳкамлаш, шу жумладан, инфратузилмани яхшилаш, замонавий ўқув-
лаборатория ускуналари ҳамда жиҳозлари билан таъминлашни амалий
қўллаб-қувватлаш;

тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, музейшунослик ҳамда дизайн соҳасидаги ташкилотлар билан ҳамкорликда талабаларнинг амалиётларини тегишли соҳа ташкилотларида ташкил этиш;

битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича мақсадли ҳамкорликни йўлга қўйиш, илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилашда кўмаклашиш;

юримдик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, техник кўмак маблағлари (грантлар)ни ва бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш;

хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказларидан етакчи мутахассисларни таълим жараёнига жалб қилишда кўмаклашиш;

талабалар турар жойлари шароитини яхшилаш, талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, уларнинг дам олиши учун шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш.

белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан мунтазам мониторинг олиб бориш.

6. Ўзбекистон Бадий академияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Дастурда белгиланган чоратadbирларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини 2022 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурида назарда тутиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига таклиф киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.В. Нуридинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “ 8 ” январдаги 8 -сон қарорига
1-илова

**Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик, музейшунослик соҳаларида таълимнинг янги педагогик технологиялари ва ўқитиш методларини жорий этиш ва битирувчилар бандлигини таъминлаш					
1.	Меҳнат бозорининг ривожланиш истиқболлари ва талабларига мувофиқ ўқув юкламалари ва фан блоклари ҳажмини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, камида 4 йиллик даврга жорий этиладиган, етакчи хорижий институтлар тажрибаси асосида янги ўқув режалари ва дастурларини яратиш.	<p>1. Ишчи гуруҳлар тузиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳлар томонидан давлат таълим стандартлари асосида ўқув юкламалари ва фан блоклари ҳажмини қайта кўриб чиқиш, замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув режаси ва фан дастурларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ишлаб чиқилган ўқув режаси ва фан дастурларини белгиланган тартибда тасдиқлаш.</p> <p>4. Тасдиқланган ўқув режаси ва фан дастурларини ўқув жараёнига жорий қилиш.</p>	<p>2021 йил март</p> <p>2021 йил май</p> <p>2021 йил август</p> <p>2021/2022 ўқув йилидан бошлаб</p>	Институт маблағлари	Бадий академия (А.Нуридинов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (У.Бегимкулов)
2.	Ўқув, ўқув-методик ва илмий-методик адабиётлар муаллифларини моддий рағбатлантириш ва улар учун тегишли шарт-шароитлар яратиш.	<p>1. Ўқув адабиётлари муаллифларига иш жойи, ёрдамчи ходим бериш, кутубхона фондидан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш.</p> <p>2. Муаллифнинг ўқув юкласини шакллантиришда муаллифлик фаолиятини ҳисобга олиш.</p>	2021 йилдан бошлаб доимо	Институтнинг мазкур мақсадлар учун ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари	Бадий академия (А.Нуридинов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (У.Бегимкулов, С.Бузрукхонов), Молия вазирлиги (А.Хайдаров)

3.	Тасвирий ва амалий санъат, дизайн, санъатшунослик, музейшунослик соҳалари бўйича бўш (вакант) иш ўринлари, шунингдек, истиқболдаги эҳтиёжларнинг очиқ ахборот базасини ишлаб чиқиш.	<p>1. Минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари, фан ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришнинг истиқболли эҳтиёжларини ўрганиш.</p> <p>2. Ўрганиш натижалари асосида бўш (вакант) иш ўринлари ва лавозимлар, шунингдек, истиқболда кадрларга бўлган эҳтиёжнинг электрон базасини шакллантириш.</p> <p>3. Ҳар йили ахборот базасини янгилаб, тўлдириб бориш.</p>	<p>2021 йил февраль</p> <p>2021 йил апрель</p> <p>мунтазам</p>	Ижрочилар маблағлари	Бадий академия (А.Нуридинов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (У.Бегимкулов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов)
4.	Битирувчининг таълим йўналишлари бўйича иш берувчиларнинг замонавий талабларига жавоб берадиган, зарур билим, малака ва кўникмаларни акс эттирувчи малака талабларини ишлаб чиқиш.	<p>1. Малака талабларини ишлаб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳ томонидан малака талабларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Малака талабларидан келиб чиққан ҳолда фан дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш.</p>	<p>2021 йил февраль</p> <p>2021 йил март</p> <p>2021/2022 ўқув йилидан бошлаб</p>	—	Бадий академия (А.Нуридинов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (У.Бегимкулов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э.Мухитдинов)
II. Бадий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг бу борада фаоллигини ошириш, ёшларни илмий ишларга тизимли жалб қилиш					
5.	Институтнинг профессор-ўқитувчилари, докторант ва магистрантлари ўртасида илмий соҳада халқаро тажрибани кенг тарғиб қилиш.	<p>1. Институтнинг профессор-ўқитувчилари, докторант ва талабаларини халқаро илмий-техник ахборотлар маълумотлар базасига киришини босқичма-босқич таъминлаш.</p> <p>2. Халқаро тан олинган нашрларда чоп этиш учун илмий мақола ёзиш ва расмийлаштириш бўйича семинар-тренинглار ўтказиш режа-графиги ва ўқув дастурини яратиш.</p>	<p>режа асосида</p> <p>2021 йил март</p>	Институт маблағлари	Бадий академия (А.Нуридинов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (У.Бегимкулов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (О.Тўйчиев)

6.	<p>Институт профессор-ўқитувчиларининг халқаро нуфузли илмий-амалий конференция ва ижодий кўргазма танловларида иштирокини кенгайтириш, хорижий ҳамкорлар билан илмий нашрлар тайёрлашни кўпайтириш.</p>	<p>1. Хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда халқаро конференциялар ўтказиш бўйича таклифларни шакллантириш ва Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этиш. 2. Илмий-тадқиқот лойиҳаларининг харажатлар сметасига халқаро конференцияларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни киритиш бўйича Инновацион ривожланиш вазирлигига таклифлар киритиш. 3. Хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлар билан ҳамкорликда илмий мақолалар, монография ва бошқа босма материалларни тайёрлаш ҳамда чоп этиш. 4. Хорижий олимлар билан ҳамкорликда нашрлар тайёрлаш орқали Институт олимлари мақолаларидан иқтибос келтириш даражасини ошириб бориш.</p>	<p>2021 йил январь 2021 йил январь 2021 йилдан бошлаб мунтазам мунтазам</p>	<p>Институтнинг мазкур мақсадлар учун ажратилган бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Бадий академия (А.Нуридинов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (О.Тўйчиев)</p>
7.	<p>Институтни халқаро рейтингларга киритиш мақсадида Times Higher Education ва QS халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорлик битимини имзолаш.</p>	<p>1. Рейтинг агентликларининг талабларини ўрганиб чиқиш ва битим лойиҳасини шакллантириш. 2. Рейтинг агентликлари мезонлари асосида институт фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш. 3. Битим ва низом асосида тегишли тадбирларни амалга ошириш.</p>	<p>2021 йил май 2021 йил август режа асосида</p>	<p>Институтнинг мазкур мақсадлар учун ажратилган бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Бадий академия (А.Нуридинов), Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси (Х.Кетмонов)</p>

8.	Институтнинг илмий ишлар ва инновацияларни бошқариш бўлинмалари ходимлари етакчи хорижий илмий ва олий таълим марказларида малака оширишини ташкил қилиш.	<p>1. Етакчи хорижий илмий ва олий таълим марказларида малака оширишга бўлган эҳтиёжини аниқлаш.</p> <p>2. Малака ошириш режалаштирилган етакчи хорижий илмий ва таълим марказлари рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Етакчи хорижий илмий ва олий таълим марказлари билан тегишли шартномалар тузиш ҳамда режа асосида малака оширишни йўлга қўйиш.</p> <p>4. “Эл-юрт умиди” жамғармаси очик стипендия танловлари ғолибларининг илғор хорижий мамлакатларда магистратура ва докторантурада таълим олиши, стажировкадан ўтиши ва малакасини оширишни таъминлаш.</p>	<p>2021 йил май</p> <p>2021 йил июнь</p> <p>2021/2022 ўқув йилидан бошлаб</p> <p>мунтазам</p>	“Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари, Институтнинг мазкур мақсадлар учун ажратилган бюджетдан ташқари маблағлари	Бадий академия (А.Нуридинов), “Эл-юрт умиди” жамғармаси (О.Саттаров)
9.	Институтнинг илмий салоҳиятини босқичма-босқич ошириш мақсадида докторантурага ҳар йилги қабул квотасини кўпайтириш ва иқтидорли ёш педагогларни хорижий мақсадли докторантурага юбориш.	<p>1. Мавжуд илмий салоҳиятни таҳлил қилиш.</p> <p>2. Илмий салоҳиятни ошириш бўйича 2021–2025 йилларга мўлжалланган чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ҳар йилги қабул квоталарини кўпайтириш ва хорижий мақсадли докторантурага ёш ўқитувчиларни юборишни мунтазам амалга ошириш.</p> <p>4. Институт профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларининг “Эл-юрт умиди” жамғармаси таълим дастурлари бўйича очик стипендия танловларида иштирок этишини таъминлаш.</p>	<p>2021 йил ноябрь</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>2021–2025 йиллар давомида</p> <p>мунтазам</p>	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағлари	Бадий академия (А.Нуридинов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (О.Тўйчиев), “Эл-юрт умиди” жамғармаси (О.Саттаров)

III. Талаба-ёшлар ўртасида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларни янги сифат босқичига олиб чиқиш, миллий ғоя, жамият барқарорлиги, умуминсоний ва миллий қадриятларни тарғиб этиш					
10.	<p>Бешта муҳим ташаббус доирасида талаба ва уюшмаган ёшлар билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш.</p>	<p>1. Институт доирасида уюшмаган ёшларни аниқлаш ва уларни ижодий фаолиятга жалб этиш.</p> <p>2. Институт талабалари орасида кўргазма ва ижодий танловларни ўтказишни ташкил этиш.</p> <p>3. Талабалар ва уюшмаган ёшларнинг фестивалъ, биеннале ва бошқа лойиҳаларда иштирокини таъминлаш.</p> <p>4. Талабаларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш.</p> <p>5. Талабаларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ижодий ва илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш.</p> <p>6. Талабаларни бадий адабиётга қизиқтириш, “Нотиклик санъати”, “Reading club”, “Мунозаралар-дебат”, “Ёш китобхонлар” клубларини ташкил этиш.</p> <p>7. Талаба қизларнинг илмий ва ижодий фаолиятини рағбатлантириш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p>	<p>2020–2025 йиллар давомида</p> <p>мунтазам</p>	<p>Институтнинг мазкур мақсадлар учун ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Бадий академия (А.Нуридинов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Ходжиматов), Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д.Набиев), Молия вазирлиги (А.Хайдаров), Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши (Х.Саттаров)</p>
IV. Институт инфратузилмаси ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув, илмий ва тарбиявий фаолиятни амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратиш					
11.	<p>Ўқув аудиторияларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш.</p>	<p>1. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш бўйича смета лойиҳаларини тузиш ва Ўзбекистон Бадий академиясига тақдим этиш.</p>	<p>2021 йил январь</p>	<p>Институт маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг</p>	<p>Бадий академия (А.Нуридинов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини</p>

		2. Ўқув аудиторияларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш.	2021 йил апрель	ҳомийлик хайриялари	ривожлантириш вазирлиги (<i>О.Пекосъ</i>)
12.	Институтнинг Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Аския кўчаси, 27-уй манзилида жойлашган ўқув биносини мукаммал таъмирлаш.	1. Бинони мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун маблағ ажратиш юзасидан таклифлар тайёрлаш. 2. Бинони мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, давлат экспертизасидан ўтказиш ҳамда 2022 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритиш. 3. Таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва фойдаланишга топшириш.	2021 йил февраль 2021 йил апрель 2022–2023 йиллар	Инвестиция дастури доирасидаги маблағлар, Институт маблағлари	Бадий академия (<i>А.Нуридинов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>А.Бобоев</i>), Молия вазирлиги (<i>А.Хайдаров</i>)
13.	Дизайн таълим йўналишида таҳсил оладиган талабалар замонавий дарс усуллари асосида билим олишлари, дарсларни амалиёт билан уйғунликда тайёрлашга қаратилган фотопавильон ва видеомонтаж студияларини ташкил этиш.	1. Студияни қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда Бадий академияга тақдим этиш. 2. Студияни қуриш ҳамда жиҳозлаш ишларини 2022 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритиш. 3. Студияни замон талабларига жавоб берадиган ва махсус дастурларда ишлашга мўлжалланган жиҳозлар билан таъминлаш.	2021 йил февраль 2021 йил апрель 2022–2023 йиллар	Инвестиция дастури доирасидаги маблағлар	Бадий академия (<i>А.Нуридинов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>А.Бобоев</i>), Молия вазирлиги (<i>А.Хайдаров</i>)
14.	Реклама ва амалий графика ҳамда дастгоҳ ва китоб графикаси таълим йўналишларида таълим жараёнини бевосита амалиёт билан боғлаш мақсадида Институтда босмаҳона, нашриёт ва багет ишлаб	1. Босмаҳона, нашриёт ва багет цехини қуриш, жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда Бадий академияга тақдим этиш. 2. Босмаҳона, нашриёт ҳамда багет цехини қуриш, жиҳозлаш ишларини 2022 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига	2021 йил февраль 2021 йил апрель	Инвестиция дастури доирасидаги маблағлар	Бадий академия (<i>А.Нуридинов</i>), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (<i>А.Бобоев</i>), Молия вазирлиги

	чиқариш цехини ташкил этиш.	киритиш. 3. Босмахона, нашриёт ва багет цехини зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	2022–2023 йиллар		(А.Хайдаров)
15.	Хаттотлик ва миниатюра таълим йўналишларида дарс жараёнини бевосита амалиёт билан боғлаш, миллий кадрият ва анъаналарни ўрганиш, сақлаш ва давом эттириш мақсадида миниатюра ашёларида ишлаш ҳамда қўлда тайёрланадиган қоғоз ўқув ишлаб чиқариш устахоналарини ташкил этиш.	1. Устахоналарни қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда Бадий академияга тақдим этиш. 2. Устахоналарни қуриш ҳамда жиҳозлаш ишларини 2022 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритиш. 3. Устахоналарни зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	2021 йил февраль 2021 йил апрель 2022–2023 йиллар	Инвестиция дастури доирасидаги маблағлар	Бадий академия (А.Нуридинов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев), Молия вазирлиги (А.Хайдаров)
16.	Дастгоҳли рангасвир таълим йўналишлари талабалари учун дарс жараёнларини замон талабларида олиб бориш мақсадида таъмирлаш ва грунтлаш ўқув лабораториясини ташкил этиш.	1. Лабораторияни ташкил этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда Ўзбекистон Бадий академиясига киритиш. 2. Лабораторияни жиҳозлаш ишларини 2022 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритиш. 3. Лабораторияни зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш.	2021 йил февраль 2021 йил апрель 2022-2023 йиллар	Инвестиция дастури доирасидаги маблағлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Бадий академия (А.Нуридинов), Молия вазирлиги (А.Хайдаров)
17.	Маҳобатли рангасвир таълим йўналишларида талабалар учун ашёда ишлаш ўқув хонаси ва мозаика, роспись, сграффито, витраж ўқув устахоналарини ташкил этиш ва жиҳозлаш.	1. Ўқув хонаси ва устахонасини зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш. 2. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ўқув жараёнида фойдаланишни йўлга қўйиш.	2022 йил февраль 2022 йил апрель	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Бадий академия (А.Нуридинов), Молия вазирлиги (А.Хайдаров)

18.	Институтнинг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй манзилида жойлашган ўқув биносини жорий таъмирлаш ва зарур ускуналар билан жиҳозлаш.	<p>1. Ўқув биносини жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича сметаларни ишлаб чиқиш, 2022 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига киритиш.</p> <p>2. Ўқув театри ва ўқув хоналарини жорий таъмирлаш ҳамда замонавий ускуналар билан жиҳозлаш.</p> <p>3. Ўқув биносининг коммуникация тизимларини таъмирлаш.</p>	<p>2021 йил апрель</p> <p>2022–2023 йиллар</p>	Инвестиция дастури доирасидаги маблағлар, Институт маблағлари	Бадий академия (А.Нуридинов), Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев), Молия вазирлиги (А.Хайдаров)
19.	Институтда “Санъат асарларининг физик-кимёвий экспертизаси” ўқув фаолияти лабораториясини йўлга қўйиш.	<p>1. Ўқув фаолияти лабораториясини зарур жиҳозлар билан таъминлаш.</p> <p>2. Санъатшунослик факультетида лаборатория хонасини ташкил этиш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш.</p>	<p>2021 йил апрель</p> <p>2021 йил август</p>	Институт маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Бадий академия (А.Нуридинов), Молия вазирлиги (А.Хайдаров)
20.	Бадий кулолчилик таълим йўналиши талабаларини билим, кўникма ва малакасини ошириш учун кенг имкониятлар яратиш, ўқув устахоналарнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.	<p>1. Кафедра бадий кулолчилик устахонасини зарур асбоб-ускуналар (муфель печи, катта хумдон (вагонетка), хомашё ва бошқалар) билан таъминлаш.</p> <p>2. 2021/2022 ўқув йилида замон талабларига мос ўқув ускуналари билан жиҳозлаш.</p>	<p>2021 йил апрель</p> <p>2021 йил август</p>	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари	Бадий академия (А.Нуридинов), Молия вазирлиги (А.Хайдаров)
21.	Мультфильм ва компьютер мультипликацияси ихтисослиги талабаларида мустақил таълим кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнини бевосита амалиёт билан боғлаш мақсадида Мультфильм анимация ўқув студиясини ташкил қилиш.	<p>1. Студияни зарур жиҳозлар билан таъминлаш.</p> <p>2. Тасвирий санъат факультетида ўқув студия хонасини ташкил этиш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш.</p>	<p>2021 йил апрель</p> <p>2021 йил август</p>	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари	Бадий академия (А.Нуридинов), Молия вазирлиги (А.Хайдаров)

22.	<p>Тасвирий ва амалий санъат, дизайн санъати соҳасида фаолият юритаётган мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш мақсадида ижодий ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш.</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1995 йил 20 октябрдаги ПФ–1280-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1995 йил 28 октябрдаги 415-сон қарорига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p> <p>2. Таклифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2022 йил январь</p> <p>2022 йил март</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Институт маблағлари</p>	<p>Бадий академия (А.Нуридинов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Бобоев), Молия вазирлиги (А.Хайдаров)</p>
-----	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “8” январдаги 8 -сон қарорига
2- илова

**Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг
васийлик кенгаши
ТАРКИБИ**

1. А.В. Нуридинов – Ўзбекистон Бадий академияси раиси,
Васийлик кенгаши раиси
2. Ж.Ш. Носиров – маданият вазирининг биринчи ўринбосари
3. У.Ш. Бегимкулов – олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари
4. О.А. Тўйчиев – инновацион ривожланиш вазирининг ўринбосари
5. Ш.И. Асадов – ташқи ишлар вазирининг ўринбосари
6. Ф.У. Давруков – Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси
ўринбосари
7. Б.А. Абдухалимов – Фанлар академияси вице-президенти
8. Ф.Ф. Абдухаликов – “Ўзбеккино” Миллий агентлиги бош директори
9. Ш.Ш. Миноваров – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази
директори
10. Ф.Ш. Махмудов – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
раисининг биринчи ўринбосари
11. А.Т. Юсупов – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси раиси
12. Ф.А. Абиджанова – Ўзбекистон Бадий академияси Бош илмий котиби
13. И.Ў. Хайдаров – “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раиси
14. Ф.Ж. Пулатов – “Ўздонмаҳсулот” АК бошқаруви раиси
15. Ж.Х. Ризаев – Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш
“Илҳом” жамоат фонди ижрочи директори
16. Р.Р. Хакимов – Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори
17. А.А. Хакимов – Фанлар академияси Санъатшунослик илмий-
тадқиқот институтининг Тасвирий ва амалий санъат
бўлими мудири, академик
18. В.И. Бурмакин – Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий
академиясининг ҳақиқий аъзоси
19. А.Т.Икрамджанов – Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий
академиясининг ҳақиқий аъзоси
20. С.Г. Рахметов – Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий
академиясининг ҳақиқий аъзоси

21. Д.Б. Тошев – Бухоро вилояти “Уста Даврон” миниатюра маркази директори
22. Ш.М. Эркабоев – “Ziynat dizayn” МЧЖ бош директори
23. Н.Б. Сайфуллаев – Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори, *Васийлик кенгаши котиби*

Изоҳ. Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариши зиммасига юкланган шахслар киритилади.

